Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 январдан чиқа бошлаган. ◉ № 78 (6. 867) ◉ 1989 йил 4 апрель, сешанба ◉ Баҳоси 3 тийин

## Тонгги газеталарда

◉ Куба Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Куба Республикаси Давлат Кенгаши ва Министрлар Советининг Раиси Фидель Кастро Руснинг таклифига биноан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачевнинг Куба Республикасига расмий дўстона визити ҳақида расмий материаллар ёритилган.

◉ «Қайта қуришни меҳнат кишилари амалга оширишмоқдалар» — «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

◉ Газетанинг учинчи саҳифасидаги «Демократия сари кўтарилиш» сарлавҳали мақолада мамлакатимизда бўлиб ўтган сайловолди кампанияси ҳақида фикр юритилади.

◉ СССР Молия министрлиги ва СССР Давлат банки 1987 йилга қадар муомалага чиқарилган айрим тангаларнинг намуналари бўйича 1 сўм қийматга эга бўлган, сифати яхшиланган совет эсдалик ва юбилей медаллари қўшимча равишда тайёрланади, деб хабар беради.

◉ Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, меҳнаткашларнинг редакцияларга йўллаган мактублари, чет эллардан олинган телеграммалар эълон қилинган.

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

● **СЕУЛ.** 3 апрель куни «Шератон» меҳмонхонасининг қабуллар ўтказиладиган залида Жанубий Кореяда СССР Савдо-саноат палатасининг ваколатхонаси очилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Бундан буён совет кишилари вакилларимиз ҳуқуқи билан Сеулда яшашади ва меҳнат қилишади, иқтисодий масалалар бўйича мулоқот воситачилар орқали эмас, тўғридан тўғри олиб борилади.

● **ТУНИС.** **Ясир Арафат Тунис пойтахтида ўтаётган Фаластин Озодлик ташкилоти Марказий кенгашининг мажлисида Фаластин давлатининг президенти этиб тасдиқланди.** Фаластин Миллий кенгашининг раиси Абдул Ҳамид ас-Сайёҳнинг ВАФА агентлигига маълум қилишига қараганда, Марказий кенгашда овоз бериш чоғида Ясир Арафатнинг номзоди якдиллик билан қўллаб-қувватланган.

● **Президент гвардиясининг дадил ҳаракатлари туфайли Гаитида тўнтаришни амалга оширишга бўлган уриниш барбод этилди, деб хабар беради ана шу мамлакатнинг ахборот министри.** Сара «Қоплонлар» ва «Дессалин» батальонлари мададида бир гуруҳ исёнчи офицерлар президент саройини қуршаб олиб, П. Авриль ҳукуматини ағдаришга уриниб кўрди. Министрнинг сўзларига қараганда, П. Авриль ҳукумати мамлакатдаги «вазиятни тўла назорат» қилиб турибди. ЭФЭ агентлигининг хабар қилишича, президент саройига ҳужум вақтида П. Авриль ушлаб олинган, аммо Доминикан Республикасига жўнатиб юбориш учун аэропортга олиб кетилаётганда президент соқчилари уни исёнчилардан қутқариб олган.

● **Бугун НАТОнинг юбилейи. Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти бугун 40 ёшга тўлади.** Роппа-роса 40 йил муқаддам Вашингтонда Ғарбнинг 12 мамлакати раҳбарлари, гўёки «совет хавфи»га қарама-қарши туриши лозим бўлган ҳарбий-сиёсий альянсни ташкил этиш ҳақидаги ҳужжатни имзолаган эдилар.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

Қизил байроқли коллективлар

# 2-УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИДА

Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиблари қаторида Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш комитетига қарашли «Ташгорстрой» бирлашмасининг 2-уйсозлик комбинати ҳам бор. Комбинатда шаҳримиздаги қурилиш объектлари учун кенг панелли плиталар ишлаб чиқарилади.

◉СУРАТЛАРДА: комбинатнинг 2-уйсозлик заводи арматура цехи бригадири Ҳоким Ковашев (чапда) ва комбинат партия бюросининг аъзоси Веньямин Тепчегешов акс этган. Ишлаб чиқариш ғолиблари қаторида кранчи Светлана Черемискинанинг номи ҳам бот-бот тилга олинади. Ремонт-механика цехининг комплекс бригадаси бошлиғи Марс Галимжоновни кўриб турибсиз. У бошлиқ коллектив корхонада ўтказилаётган социалистик мусобақада доимо илғорлар қаторида бормоқда.

Т. Каримов фотолари.







## Миллатлараро муносабатларга бағишланди

Фрунзе район партия комитети Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги ҳамда Халқлар дўстлиги орденли Тошкент Давлат педагогика институти билан ҳамкорликда «Қайта қуриш ва миллатлараро муносабатлар» масаласига бағишлаб илмий-амалий конференция ўтказди. Унда Фрунзе район партия комитетининг секретари А. С. Сулаймонхўжаев район партия ташкилотларида миллатлараро муносабатларни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида гапирди.

Конференциянинг ялпи мажлисида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси, философия фанлари доктори, профессор Ж. Туленов «Қайта қуриш ва миллий муносабатлар диалектикаси», Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти партия комитетининг секретари, тарих фанлари кандидати, доцент Ш. Ё. Аҳмедов «Тарихий ҳамкорлик масалалари ва миллатларнинг социал тараққиёти, СССР халқлари дўстлигини мустаҳкамлаш» мавзуларида докладлар қилдилар.

Шундан сўнг уч секцияда «Қайта қуриш шароитида иттифоқдош республикаларни ривожлантиришнинг социал-иқтисодий масалалари», «Социалистик миллат ва элатлар маънавий маданиятининг тараққиёти ва яқинлашуви, икки тиллилик ривожи», «Қайта қуриш шароитида меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялаш масалалари» муҳокама қилинди.

Конференцияда қайта қуриш шароитида миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга оид тавсиялар қабул қилинди.

Илмий-амалий конференцияда Тошкент Давлат университети, ТИИИМСХ, ТИИТ, республика рус тили ва адабиёти педагогика институти, область педагогика институти, бошқа олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, район мактабларининг педагоглари иштирок этдилар.

Тўла хўжалик ҳисоби: муаммо ва ечимлар

# Ижарага олинган бирлашмада

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси иқтисодий жиҳатдан мушкул аҳволга тушиб, синган корхоналардан бирига айланиб қолаёзганди. 1988 йил охирида таъминотчиларга тўлаш учун банкдан 34 миллион сўм қарз олинди.

Бирлашмада ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида қўлланилади. Тайёрланаётган кабелларнинг тури юзлаб эмас, минглаб хилга етади. Кейинги пайтларда корхона адресига келаётган шикоят ва аризаларнинг сони ҳам ундан кам эмасди.

Бу танг аҳволдан чиқиш учун кўпчилик фикрини ўрганиб, маслаҳат қилингандан сўнг, цехларни кооперативлар ихтиёрига ижарага беришга қарор қилинди. Биринчи бўлиб бу янгилик халқ истеъмоли буюмлари цехида қўллаб кўрилди. Кўп йиллардан бери ойлик ва йиллик планлар умуман бажарилмай келаётган бу цехда дастлабки икки ой — сентябрь-октябрда маҳсулот кўлами деярли бир ярим баравар кўпайди. Янгича иш услуби ўзининг ижобий натижаларини яққол кўрсатди. Йил охирламасданоқ яна иккита кооператив тузилиб, цехлар ижарага берилди. Тайёрланаётган маҳсулотига талаб жуда катта бўлган «Алоқачи» ва «Виктория» кооперативлари ҳам шартнома мажбуриятларини ортиғи билан уддалашга эришдилар. Шу асնода цехларни кооперативлар ихтиёрига бериш давом этиб, ҳозирги кунга келиб бирлашмадаги ҳамма ишлаб чиқариш участкалари ижарачиларга топширилди.

Бирлашманинг тикланиш сари қадам қўяётгани аниқ. Биз буни рақамлар билан бирма-бир исботламоқчи эмасмиз. Лекин, айрим мисолларни санаб ўтиш кифоя. Шартнома бўйича маҳсулот етказиб бериш икки ойлик плани ортиғи билан адо этилиб, кўзда тутилганидан 8,8 миллион сўмлик кўп маҳсулот реализация қилинди. Даромад олиш плани 107 процентга уддаланиб, 34 миллион сўмлик қарзнинг 21 миллион сўми қолди.

Ҳозирги кунда бирлашмада асосан маҳсулот тайёрлайдиган 10 та ижарачи кооператив фаолият юритяпти. Ундан ташқари савдо, маиший хизмат, аҳолига хизмат кўрсатадиган ижарачилар ҳам бор. Ишлар хамирдан қил суғургандай жўнгина юришиб кетяпти, десак хато бўлади. Ишчилар олдида турган муаммоларнинг асосийси хом ашё таъминотининг тез-тез узилиб туришидир. Илгари бекор қилинган соатлар учун корхонанинг қайсидир фондидан маълум миқдорда пул тўланарди. Энди эса беҳуда ўтган вақтлар даромадни совуруб, бирлашма кассасини қоқлайди. Шунинг учун ҳам бирлашмага ташриф буюрган СССР Электротехника саноати министри О. Г. Анфилов билан хом ашё ва бошқа масалаларда мунозарали суҳбат бўлди. Айни кунларда материал таъминоти бироз яхшиланди. Яна бир муаммо, биргина «Ташкенткабель» заводидаги маҳсулот ишлаб чиқарадиган машиналарнинг ярмидан кўпи эскириб, талабга жавоб бермай қолган. Кабель ишлаб чиқаришда қўлланиладиган техника воситаларининг бирортаси ҳам Иттифоқимизда тайёрланмайди, хориждан сотиб олинади. Эскирган машиналарнинг тез-тез бузилиб туриши ҳам ишлаб чиқаришда узилишга сабаб бўляпти.

Инқирозга яқинлашиб қолган бирлашманинг ривожланиб боришида фақат янги иш услубининг ўзигина кифоя қилмайди. Биринчи галда ишчиларнинг ўз вазифасига бўлган масъулиятини кескин ўзгартиришга, давлат машинаси, маблағи, хом ашёсига жавобгарлик ҳиссини кучайтиришга эришилди. Цехдаги оддий мурватдан бошлаб, улкан машиналаргача энди ишчиларнинг ўзи хўжайин, унга шахсий мулк каби эътиборда бўлишаяпти.

Давлат буюртмаси ва ажратилган хом ашё ресурсларига асосан бу йил бирлашма бўйича 258 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши лозим. Лекин кабель симларга бўлган эҳтиёж жуда катта. Биргина мисол: шаҳримизда қурилаётган уй-жой, маъмурий, маиший ва маданий биноларнинг ўз вақтида фойдаланишга топширилмай қолишида корхона маҳсулотининг танқислиги сабаб бўлаяпти.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, кабелчилар тўғри йўлни танлаб олдилар. Амалга оширилаётган ишлар, қўлланилаётган тадбирлар белгиланган планлар ва давлат буюртмалари бажарилишини таъминламоқда.

С. ШАМСИДДИНОВ.

Биродарлашган шаҳарлар дўстлиги

# ТЕНГҚУРЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР



Биродарлашган шаҳар Сиэтлдан келган ўқувчилар ва педагоглар қарийб бир ҳафтадан бери Тошкентда меҳмон бўлиб туришибди. 80 нафар болаларнинг тенг ярми тошкентликлар хонадонларида истиқомат қилишяпти. Кенг ва ранг-баранг программада америкалик ёшлар танишиш истагини билдирган барча нарсалар кўзда тутилган: учрашувлар, сафарлар, дўстлик кечалари шулар жумласидандир. Якшанба куни улар шаҳар чеккасига саёҳат қилдилар. Шаҳар мактабларида, шу жумладан биродарлашган 110-мактабда бўлдилар. Бу мактаб ҳақида улар ўтган йили шу ерга келиб, болаларнинг оилаларида меҳмон бўлган ўз тенгдошларидан кўп эшитишган эди. Шу сафарга болалар пулни «Тошкент» боғи қурувчиларига баҳоли қудрат ёрдам бериб топишганди.

Болаларнинг ҳикоя қилишига қараганда, ҳозир Тошкентга келмоқчи бўлганлар жуда кўп.

110-мактабдаги учрашув қандай ўтди? Суҳбатлар ўзбек, инглиз, рус тилларида олиб борилди. Болалар бир-бирларининг гапини бўлиб, қандай ўқишаётгани, дам олишаётгани, бўш вақтларини қандай ўтказишаётгани ҳақида ҳикоя қилишга ошиқардилар.

— Биз бир-биримизни тушуна бошлаганлигимиз, болаларимизни дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялаётганимиз қандай яхши, — дейди делегация раҳбари Жозеф Саснет.

Сиэтллик болалар ўзлари билан минглаб қоғоз турначаларни олиб келишган. Бу турначалар тинчлик, дўстлик рамзи бўлибгина қолмай, уларнинг совет болалари ҳузурида тез-тез бўлиш, улар билан дўстлашиш истакларини изҳор этади.

Шу куни мактабда ҳаяжонли ҳикоялар ўрнини қўшиқ, сўнгра рақс эгаллади. Америкалик болалар интернационал дўстлик клуби аъзолари ҳузурида бажонидил меҳмон бўлдилар. Бу ерда ҳам улар кўпгина қизиқарли нарсалар билан танишдилар, энг муҳими янги танишларни орттиришди.

Бугун америкалик болалар яна бир бор Тошкент бўйлаб саёҳат қилиб, унинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар. Сўнгра улар яшаётган оилаларда байрам тушликлари бўлди. «Яна учрашгунча», — дейишди улар бир-бирлари билан хайрлашишар экан. Бу учрашувлар куттириб қўймайди, сабаби ёшлар программасида мактаб ўқувчилари делегацияларини алмашиб туриш кўзда тутилган.

Орадан кўп ўтмай Тошкент биродарлашган шаҳар Сиэтлдан ва АҚШнинг бошқа 50 муниципалитетидан меҳмонларни қабул қилади. Қарийб 200 нафар америкалик ёшлар СССР ва АҚШ биродарлашган шаҳарлари биринчи учрашувининг қатнашчилари бўлишади.

Э. АДАЙКИНА.

**СУРАТДА: Жозеф ва Сьюзан Саснетлар ўз фарзандлари Габриель-Бахтиёр билан.**

В. Ковреин фотоси, ЎзТАГ фотохроникаси.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

# Ўзбекистон ССР пойтахти—Тошкент шаҳрининг марказий майдон ва кўчаларида оммавий тадбирларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисида

Республикада рўй бераётган қайта қуриш жараёнлари, жамиятни демократиялаштиришнинг чуқурлаштирилиши, фикрлар эркинлиги ва ошкораликнинг ривожлантирилиши аҳоли кенг қатламларини ҳаракатга келтирди, шаҳар меҳнаткашлари, барча аҳолиси ижтимоий фаолиятини активлаштиришди. Одамлар аҳоли кенг оммаси иштироки билан боғлиқ турли тадбирларни, шу жумладан байрам тантаналари, спорт мусобақалари, намойишлар, бошқа кўп кишилик маданий-кўнгилочиш ва маърифий тадбирларни ўтказишга интилмоқдалар.

Шу билан бир қаторда аҳолиси кўп миллионли Тошкентда бундай тадбирларни ўтказиш уларни муайян равишда тартибга солишни, аҳоли барча гуруҳлари ва қатламлари манфаатларини объектив ҳисобга олишни, бу тадбирлар ташкилотчилари ва қатнашчилари томонидан алоҳида интизом ва масъулиятни талаб этади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети бу шароитда айрим норасмий гуруҳларнинг расмий равишда ижозат берилган ва пухта тайёрланган тадбирлар билан параллел равишда марказий майдон ва кўчаларда турли ижозат берилмаган оммавий тадбир ва йиғилишлар ўтказишга уринаётганликларини мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган ҳол, деб ҳисоблайди. Бу шароитларда ўзбошимчалик шаҳар аҳолисининг ҳаққоний норозилигига сабаб бўлади, уларнинг нормал дам олиши ва ҳордиқ чиқаришига халақит беради. Расмий ҳокимият органлари билан келишилмаган ҳолда шаҳар марказида ўтказилаётган оммавий тадбирлар одатда шаҳар хизматларининг нормал иш меъёрини бузади, маъмурий органлар анча кучини уларнинг бевосита вазифаларидан чалғитади, республика пойтахти экономикаси ва маънавий муҳити ҳолатига салбий таъсир кўрсатади.

Шу йил 19 мартда В. И. Ленин номли майдонда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ижозат бермаган митинг уюштирилди. Бу шаҳарнинг марказий қисмида мушкул вазиятни вужудга келтирди, жамоат транспорти иш графигини жиддий равишда бузди, совет ва чет эл гражданларига туризм-экскурсия хизмати кўрсатиш барбод қилинди. Буларнинг ҳаммаси фақат анчагина маънавийгина эмас, шунингдек моддий зарар ҳам етказди. Бу тадбир ташкилотчилари айрим масъулиятсиз шахслар безорилик ҳатти-ҳаракатларининг олдини ола олмадилар. Бу эса оммавий тартибсизликларга олиб келиши мумкин эди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети барча корхона, ташкилот, идора ва муассасалар раҳбарларини, шунингдек жамоатчилик уюшмалари раҳбар органларини СССР Олий Совети Президиумининг 1988 йил 28 июлдаги «СССРда йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлари уюштириш ҳамда ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Фармонининг 6-моддасига қатъий риоя этиш учун шахсан масъул эканликлари ҳақида огоҳлантиради. Шаҳар Совети ижроия комитети шаҳарнинг барча меҳнаткашларига, аҳолисига, шунингдек Ўзбекистон пойтахти — Тошкентда истиқомат қиладиган гражданларга социалистик жамият норма ва қоидаларига қатъий риоя этилишини, шаҳар территориясида яшовчи барча кишиларнинг манфаатларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни таъминлашда маҳаллий Советларга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш юзасидан мурожаат қилади.

Халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети шаҳар марказида оммавий тадбирларни ўтказишни тартибга солиш, меҳнаткашларга ишдан бўш вақтларида эркин дам олиш ва маданий ҳордиқ чиқариш кафолати берилишини таъминлаш мақсадида, шунингдек тошкентликлар манфаатидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон пойтахтининг тарихан шаклланган тарихий ва мемориал марказлари — В. И. Ленин номидаги майдон, Халқлар дўстлиги майдони, Инқилоб хиёбони, Ю. Гагарин номидаги боғ ҳамда улар атрофидаги проспект ва магистраль кўчаларни аҳоли дам олишини ташкил этиш, экскурсиялар, спорт-кўнгилочар тадбирлари, ёзги очиқ савдо ва ярмаркалар ўтказиш учун алоҳида муҳофаза зонаси, деб белгилашга қарор қилди. Бу жойларда митинглар, юришлар ва намойишлар шаҳар Совети ижроия комитетининг алоҳида фармойиши билан алоҳида муҳим давлат аҳамиятига эга тарихий воқеалар, катта давлат байрамлари муносабати билан ўтказилади.

Бошқа оммавий тадбирларни ўтказиш учун шаҳарда бунинг учун махсус жойлар ажратилади. Бу тадбирларни ўтказиш мақсадга мувофиқлиги маҳаллий Советлар томонидан белгиланган тартибда ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг 1988 йил 28 июлдаги Фармонига мувофиқ кўриб чиқилади. Ана шундай жойларни аниқлаш учун Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ишчи комиссияси ташкил этилади. Бу комиссия бир ой муддат ичида халқ депутатлари район Советлари ижроия комитетлари билан биргаликда ана шу жойларни ободонлаштириш, ижара ҳақ тўлаш асосида бу жойлардан фойдаланиш тартиби, шунингдек шаҳар мулкини муҳофаза этишни, зарур жамоат тартибига риоя этилишини таъминлайдиган бошқа ҳуқуқий масалалар юзасидан конкрет таклифлар ишлаб чиқиши керак.

